



ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

1. Тарафларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар).

2. Ижарага қўйилаётган мулк ҳужжати (кадастр йиғма жилди ёки автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (тех.паспорт)).

3. Агар уй, квартира бўлса, доимий прописка қилинган шахслар ҳақида ички ишлар органлари томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтарида кўчирма, шунингдек уй, квартирада доимий прописка қилинган вояга етган оила аъзоларининг (эри (хотини) ва уларнинг фарзандлари) розилиги.

4. Мулк умумий биргаликдаги мулкни ташкил этса, барча мулкдорларнинг (эр-хотининг) розилиги (никоҳ гувоҳномаси).

5. Мулк гаровга қўйилган бўлса - гаровга олувчининг розилиги.

6. Агар васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс

номидан васий (ҳомий) шартнома расмийлаштирса - васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги.

7. Агар квартира хусусийлаштирилган бўлса - хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг розилиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази давлат унитар корхонасидан) хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома.

8. Юридик шахслар учун - юридик шахс ваколатли органининг қарори.

9. Вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (битим вакил томонидан амалга оширилганда).

УНДИРИЛАДИГАН ТЎЛОВ:

1. Давлат божи

Тарафлар	Сумма
Хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота оналарига, болалари ва уларнинг эр хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака укалари ва опа сингилларига	101 365 сўм
Бошқа жисмоний шахсларга	202 730 сўм
Юридик шахсларга ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлганда	405 460 сўм

2. Герб йиғими – 20 273 сўм

3. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун

Хизмат тури	Жисмоний шахсларга	Юридик шахсларга ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлганда
Тақиқни текшириш	30 409,5 сўм	50 682,5 сўм
Маслаҳат	10 136,5 сўм	10 136,5 сўм
Лойиҳа тайёрлаш	40 546 сўм	101 365 сўм

• Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

• Давлат божлари ва пулли хизматлар энг кам ойлик иш ҳақи 202.730 сўм ҳолатига кўра ҳисобланган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг!



@huquqiyaxborot



fb.com/groups/adliya



youtube.com/adliya



instagram.com/adliyanews

Агар ортиқча маблағ талаб қилинса, Адлия вазирлигининг «1008» ишонч телефониغا зудлик билан хабар беринг